



БАРЧАМИЗ ҲАМЖИҲАТ БЎЛИБ, ОЁҒИМИЗ ЕРДАН УЗИЛМАСДАН МЕҲНАТ ҚИЛСАК, ФАРҒОНАДА АЛБАТТА НАТИЖА БЎЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривож, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Фарғона шаҳрида халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

— Бу ерга келишдан олдин кўп-кўп таҳлил қилдик. Келиб-кейтиш осон. Лекин 4 миллионлик вилоят аҳолисига нима манфаат бўлади, деган савол кўндаланг турибди. Шунинг учун бир ойдан бери тайёргарлик кўряпмиз. Кеча туманларда юриб, одамлар билан гаплашдим. Фарғонанинг эртаси нима бўлади, деб кечасиям ўйлаб чиқдим. Коронавирус касаллиги ёнимизда юргандек, иқтисодий хавф-хатар ҳам ёнимизда юрибди. Дунёдаги инқироз ҳамма давлатларга таъсир қилди. Бозор топиш — азов бўлиб кетди. Шунинг учун янги “ўсиш нуқталари”ни шакллантириб, имкониятларни тўлиқ ишга солишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Давлат раҳбари 2020 йил сентябрь ойидан буён Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Хайрулло Бозоров номзодини Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тавсия этди.

Х.Бозоров меҳнат фаолиятини 1995 йилда солиқ инспектори сифатида бошлаган. 2007-2015 йилларда Наманган вилояти ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, Учқўрғон, Чуст ва Мингбулоқ туманлари ҳокими бўлиб ишлаган. 2015-2020 йилларда Наманган вилояти ҳокими бўлган. Ўтган йилги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи фахрий унвони билан тақдирланган.

— Мен Хайрулло Бозоровни кўп йиллардан бери биламан. Учта туманда, вилоятда ҳоким бўлиб ишлаган. Жуда тажрибали, ҳозирги замонга муносиб, халқпарвар, камтар инсон. Тўрт ойдан бери ҳоким вазифасини бажарувчи сифатида сизларнинг ҳам синовингиздан ўтди. Фарғонага мана шундай билимли, тажрибали одам керак, — деди Президент.

Халқ депутатлари, нуронийлар, ёшлар сўзга чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлади. Овозга қўйиш натижаларига кўра, Хайрулло Бозоров Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда давлатимиз раҳбари аввалги ҳоким, айна пайтда Бош вазир ўринбосари лавозимида ишлаётган Шухрат Ғаниев ҳақида фикр билдирди.

— Ғаниевнинг энг катта фазилати — у ҳалол одам, ҳаловати йўқ. У кимгадир ёқди, кимгадир ёқмайдди. Лекин садоқати бор одам. Оғир синовли йилларда ўзини кўрсатди. У республикаимиз қишлоқ ҳўжалигида ҳам ўзининг қаттиққўллиги билан катта ишлар қилишга ишонаман. Шухрат Мадаминовичга омад тилайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент раҳбарларни асраб-авайлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳақида ҳам гапирди.

— Илгари ҳокимни қўяётганда қарсак чалардик, ёмонлаб ишдан олардик, ишдан олганимиздан кейин унутиб юборардик. Бу нотўғри. Ҳоким лавозимини тортмас, кўчага ташлаб қўйиш керак эмас. Битта раҳбарни тайёрлашга 20 йил кетади. Биз асраб-авайлаб тарбия қилган ҳокимларимизни ҳеч қачон хор қилмаслигимиз керак. Ҳоким, шу элни йўлбошчиси бўлган одамни ҳаммамиз ҳурматини ҳам жойига қўйишимиз керак. Фарғонада шунча йил ишлаган одамни Тошкентда раҳбарлик қилиши, ўйлаيمانки бу биринчи тажриба. Шу тажриба бошқа вилоятларга ҳам юқсин.

Бугун бутун республикаимиз кўради, илоҳим шу тажрибадан амалда вилоят, туман ҳокимлари ҳам ўзларига ҳулоса қилса мен рози бўлардим. Барибир меҳнат қилган одам ҳеч қачон хор бўлмаслиги керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент туманлардаги мутасаддиларнинг иш услуби, жойлардаги муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди.

— Агар раҳбар оддий, самимий бўлиб, “ерда” юриб, халқнинг дардини билиб, оғирини енгил қилса, унинг ҳурмати ошади. Фақат столда ўтириб, машинада юриш билан обрў ошиб қолмайди. Менинг энг катта ташвишим — қўйи поғонадаги туман миқёсидаги раҳбарлар ўзига масъулият олмаяпти. Бор имкониятдан тўғри фойдаланиб, фаоллар бирлашиб, кўп масалаларни туман, маҳалланинг ўзида ҳал қилса бўлади. Ҳоким ҳаловатга интилмаслиги, ўзини ишга бағишлаши керак, — деди Президент.

Йиғилишда хизмат вазифасини етарли даражада бажармагани учун Кува, Ўзбекистон ва Ёзёвон тумани ҳокимлари ҳамда айрим сектор раҳбарлари лавозимидан озод этилгани айтилди.

Таъкидлаш жоиз, ҳозир маҳаллий кенгашлардаги ҳамма депутатлар ҳам ўз ваколати даражасида фаолият юритмаяпти. Сессияда давлатимиз раҳбари шу ҳақда ҳам тўхталиб, халқ ноиблари депутат деган мақомга муносибми деган саволни қўйди.

— Мен Сенат биносига борганимда уни жайдари тилда “Халқ уйи” деганман. Депутатлар мана шу Халқ уйига киришга муносибми? Виждонимиз олдида жавоб берайлик: халқ вакиллари бир ойда, уч ойда, олти ойда, бир йилда маҳаллий кенгашларга нечта таклиф берди? У таклиф элимга, маҳалладошларимга, туманимга нима манфаат олиб келди, деган саволга афсуски ижобий жавоб йўқ, — деди давлат раҳбари.

Шундан сўнг Президент вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллабай тизимда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш вазифалари бўйича маъруза қилди.

2021 йилги Мурожаатномада белгилаб берилган йўналишлар ва вазифалар асосида, вилоятда янги “ўсиш нуқта”ларини аниқлаш, ҳудудни маҳаллабай комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Унга кўра, аввало, аҳоли бандлигини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига, камбағалликни қисқартиришга эътибор қаратилади. Бунинг учун ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро ҳаётидаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш бўйича янги тизим жорий этилаётгани таъкидланди.

Республика ишчи гуруҳи томонидан Фарғона вилояти мисолида маҳаллабай ишлашнинг вертикал тизими ишлаб чиқилгани айтилди. Биринчи босқичда банкларнинг малакали мутахассислари вилоятдаги 1041 та маҳаллага номма-ном доимий вакил сифатида бириктирилгани маълум қилинди.

Бу вакиллар маҳаллада ишсиз аҳолини, ёшлар ва аёлларни касб-хунарга ўргатиш ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил қилади. Шунингдек, тадбиркорларга кредит олишга ва лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам бериб, маҳалла раислари ва фаоллари билан доимий иш олиб боради.

Шаҳар ва туманларни маҳаллабай тизимда ривожлантириш мақсадида вилоятдаги 76 та секторнинг

ҳар бирида иқтисодий комплекснинг малакали ходимларидан иборат бошқарув офислари ташкил этилиши айтилди. Бу мутахассислар маҳаллага бириктирилган банк ходимлари билан бирга, жойлардаги шароитни ўрганиб, лойиҳаларни шакллантиради ва амалга оширишга кўмаклашади. Зарур бўлса, ишсиз аҳоли, ёшлар ва аёллар касб-хунарга ўргатилади.

Фарғона вилоятида 2021-2022 йилларда умумий қиймати 17 триллион сўмлик 949 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши таъкидланди. Бунда кимё, тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, электротехника саноати “драйвер” бўлади.

Хусусан, “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятида жами 537 миллион долларлик 3 та лойиҳа, тўқимачиликда 154 миллион долларлик 14 та лойиҳа амалга оширилади.

Президент мутасаддиларга Миллий банк, “Асака” банк ва “Ўзсаноатқурилишбанк” билан бирга янги инвестиция лойиҳаларини шакллантириш борасида “лоийҳалар офисини” ташкил қилишнинг Фарғона тажрибасини яратиш бўйича топшириқ берди.

Вилоятда ер ресурси чеклангани сабабли чўл жойлар, яйлов ва адирликларда 33 минг гектар ер ўзлаштирилади. Бунга сарфланадиган 350 миллиард сўмлик харажатларнинг 110 миллиард сўми субсидия ҳисобидан қўллаб берилади.

Ижтимоий соҳаларни, инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди. Жорий йилда вилоятнинг 11 та жойида 105 та кўп қаватли уйлар барпо этилиши таъкидланди. 312 миллиард сўм марказлашган маблағлар ҳисобидан 503 километр йўлларни таъмирлаш бўйича вазифа қўйилди.

Янги ташкил этилган Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда, мақсадли тиббий кўрик ва консултациялар ўтказиш, бирламчи тиббиёт бўғинини ривожлантириш учун 16 та оилавий шифокорлик пункти ва оилавий поликлиника ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилда Фарғона вилоятидаги 19 та туман ва шаҳарларда биттадан Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилиши, “Ёшлар: 1+1” лойиҳаси доирасида 8 мингдан зиёд ишсизлар тадбиркорлик ва касб-хунарга ўқитилиши белгиланди. Хотин-қизларнинг ўз ишини очишига кўмаклашиш, муҳтожларнинг уй сотиб олиши учун бошланғич бадал пулларини тўлаб бериш, ажралишларнинг олдини олиш муҳимлиги таъкидланди.

— Юрагимдаги жўшқин тилагим, жонажон халқимизнинг оғирини енгил қилиш. Биринчи кундан жуда катта ҳаракат, изланишдамиз. Бу қарорлар, фармонлар, мажлислар бекорга эмас. Фарғона аҳли буюк эл. Мана шу халққа муносиб бўлиш ва эртанги кунини фаровон қилиш зиммамиздаги муқаддас бурч. Агар салгина ўзгариб, кичкина қадам ташласак, халқимиз бошига кўтараяпти, биздан рози бўлаяпти. Ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб, оёғимиз ердан узилмасдан меҳнат қилсак, Фарғонада албатта натижа бўлади, — деди Президент.



Ўзбекистон Республикаси

Президентининг

Ф А Р М О Н И

Х.Х.БОЗАРОВНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят

Кенгашининг қарорига мувофиқ Хайрулло Хайитбаевич Бозаров Фарғона вилояти ҳокими лавозими-га тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 5 февраль



АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА

Туркий тилда ижод қилган адиб ва шоирларимиздан бирортаси ҳазрат Алишер Навоий қадар тил назарияси билан шуғулланмаган. Шу маънода айтиш мумкинки, буюк шоир “Ҳамса”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муншаот”, “Вақфия”, “Муҳокамат ул-луғатайн” каби асарлари билан ўзбек адабий тилининг бадий ва илмий асарлар яратиш, шунингдек, давлат ишлари, дипломатик муносабатларда фойдаланиш учун бой имкониятларга эга эканини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлаб берди.

“КЎНГУЛ МАХЗАНИНИНГ КАЛИДИН СЎЗ БИЛ”



Давоми 6-бетда

ИСТИҚБОЛЛИ ТИЗИМ

АГРОКЛАСТЕРЛАР

барча бирдек манфаатдор бўлган келажакни яратади

Тараққиёт бир зум тўхтамайди. Унга эришиш учун илғор ғоя ва ташаббусларни амалиётга дадил татбиқ этиш лозим. Тўғри, янгилек жорий қилинган жойда унча-мунча камчилик ҳам учрайди. Бу табиий ҳол. Аммо ривожланиш натижаларини таҳлил қилмай, бир томонлама фикр билдириш ҳаракатланиб кетаётган ғилдиракларга чўп тикиш билан баробар. Гап аграр соҳани модернизация ва диверсификация қилишга устувор аҳамият берилаётгани ҳақида кетмоқда. Эътироф этиш жоиз, давлатимиз раҳбари ғояси асосида сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалигида маҳсулот етиштириш ва уни қайта ишлашнинг занжирли усулига асосланган кластер тизими пайдо бўлди. Хўш, бунинг аҳамияти нимада?



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

 Бошланиши 2-бетда

Кўриб чиқилган масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг “Сайлов қонунчилиги тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти ва қиллик органларига сайловларни очиқ, шаффоф ва мустақиллик принциплари асосида ўтказишда халқ ҳокимияти ва сиёсий плюрализмнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва сайлов тизимини босқичма-босқич модернизациялаш бўйича бир қатор амалий чоралар кўрилди.

Бироқ 2019 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида юзага келган бир қатор камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, халқро ташкилотларнинг айрим мақбул тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган кенг қўлламчи ислохотлар моҳиятини халқро ҳамжамиятга етказиш зарурати туғилди.

Ушбу қонун сайлов жараёнига нисбатан ягона шаффоф ва самарали ёндашувларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, у билан бир қатор ўзгартишлар киритилляпти.

Жумладан, миллий экспертлар тавсиялари асосида ишлаб чиқилган таклифлари асосида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институти тугатилмоқда ва уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига юкланмоқда. Шунингдек, хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, чет давлатларда сайловчилар яшаётган ёки ишлаётган жойида кўчма қутиларда овоз беришнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда.

Бундан ташқари, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда ташкил этилган сайлов участкаларини кузатувчилар ўз таширфи ҳақида камида 3 кун олдин ҳабардор қилиш тартиби белгиланмоқда.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тавсиялари асосида бир қатор ўзгартишлар киритилмоқда. Яъни: сайлов комиссияларининг номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга оид вазифаси чиқариб ташланмоқда;

сайлововлди ташвиқоти даврида давлат ресурсларидан фойдаланиш тақиқланмоқда;

сайлов натижаларини эълон қилиш муддатларининг асосииз чўзилишининг олдини олиш мақсадида сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят муддати 10 кундан 5 кунга қадар қисқартирилмоқда;

сиёсий партияларнинг сайлововлди ташвиқоти учун ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида улар томонидан сайловдан олдин оралиқ ва сайловдан сўнг яқиний молиявий ҳисоботларни, шунингдек, Ҳисоб палатасининг партиялар фаолиятини текшириш натижаларини эълон қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Президентлик сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловлар тегишнчча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи ақшанбаидада ўтказилади.

Киритилаётган ўзгартишлар билан сайловларни октябрь ойида ўтказиш тақлиф қилинди.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши умумэтироф этилган халқро сайлов стандартлари асосида сайлов қонунчилигини янада тақомиллаштиради, сайлов жараёнларининг янада очиқ ва ошқора ўтиши, Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари демократия индексидаги кўрсаткичлари яхшиланишига эришилади. Шунингдек, сайловлардан кейин олий давлат органларини ўз вақтида шакллантириш ва муҳим сиёсий қарорларни қабул қилиш учун замин яратди. Ушбу ҳужжат билан фуқароларнинг сайловларда фаол иштирок этишига эришилади ҳамда кузатувчилар ва сайловчилар учун қулай шароитлар яратилади.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мамлакатимизнинг иқтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади ва ошқоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, ҳолислик каби демократик принципларни ўзида акс эттиради.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонун 2000 йилда қабул қилинган бўлиб, ислохотлар туфайли сўнгги йилларда аудит бозорида рўй берган ўзгаришлар унинг тўғридан-тўғри амал қилиш сифатларини пасайтириб, самарасиз, бугунги талабларга тўлиқ жавоб бермайдиган ҳолга келтирган.

Янги қонун эса иқтисодиётни либераллаштиришда институционал ўзгаришларнинг чуқурлашувида муҳим ўрин тутиши табиий.

Ушбу қонун халқро принциплар ва илғор хорижий тажрибалар асосида аудиторлик фаолиятини тартибга солишининг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳужжат бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган аудиторлик хизматини ташкил этиш, иш сифати ва аудиторлик касбининг нуфузини оширишни ҳам назарда тутди.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири — аудиторлик фаолиятининг лицензияланадиган фаолият турлари таркибидан чиқарилишининг белгиланаётгани ҳамдир.

Яна бир жиҳат. Қонун билан аудиторлик фаолияти фақат Аудитнинг халқро стандартлари асосида амалга оширишга ўтказилмоқда. Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши зарур бўлган иқтимоий аҳамиятга эга ташкилотлар рўйхати ҳам шакллантирилмоқда.

Умуман олганда, аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган қоида ва нормалар ҳамда меъёрий ҳужжатларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатда жамлаш тизимлашмоқда.

Шунингдек, аудиторлик ташкилотларига қулайлик ва енгилликлар яратиш мақсадида уларнинг устав капитали миқдорида бўлган талаб бекор қилинмоқда ҳамда улардаги аудиторларнинг энг кам сони камида тўрт нафар бўлиши ҳам назарда тўтилмоқда.

Халқро амалиётдан келиб чиққан ҳолда айнан битта ҳўжалик йорутувчи субъектда аудиторлик текширувини кетма-кет етти йилгача ўтказишга рухсат берилмоқда.

“Тавakkалчилик-тахлили” асосида аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш ва унинг натижаларини ваколатли давлат органи ва аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг расмий веб-сайтида эълон қилиш назарда тўтилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йиллар мобайнида жиноят процесси жараёнида шахсларни давлат томонидан химоя қилинишига қаратилган сезиарли ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, охириги 3-4 йилда давлатимиз раҳбари томонидан бу борада қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, суд-ҳуқуқ соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланди. Ушбу қонун ана шу ислохотларни яна бир бор мустаҳкамлашга қаратилган.

Қонун билан назарда тўтилган биринчи йўналишдаги тузатишларда жиноят ишининг терговга тегишлилиги масаласини ҳал қилишда биринчи навбатда тергов органларининг вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари, тизимда шаклланган тажриба, мавжуд куч ва имкониятларига эътибор қаратилди.

Хусусан, прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳаёти, жамият ва давлатнинг манфаатларига таъовуз қилиш билан боғлиқ ҳамда бошқа коррупцион ва мансабдорлик жиноятлари, ички ишлар органлари томонидан фуқароларнинг соғлиги, мол-мулки, жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши қаратилган, давлат хавфсизлик хизмати органлари томонидан мамлакат конституциявий тизими, суверенитети, ҳудудий айлитлиги ҳамда бошқа манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар бўйича дастлабки тергов амалга оширилиши назарда тўтилмоқда.

Қонун билан киритилаётган иккинчи йўналишдаги тузатишлар ишни судда кўриш учун тайинлаш тартибини янада тақомиллаштиришга қартилган бўлиб, унда Жиноят-процессуал кодексига дастлабки эшитув институтини жорий этиш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тўтилган.

Киритилаётган учинчи йўналишдаги тузатишларга асосан Жиноят-процессуал кодекси кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш (депонентлаш)га оид янги институт билан, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институти билан ҳамда жиноят процессида шахсонинг ҳуқуқлари кафолатларини қучайтиришга қаратилган меъёрлар билан тўлдирилмоқда.

Мазкур қонун билан мамлакатимизда суд-тергов фаолияти, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари химоя қилиниши

таъминланишига, тергов ва суд органларининг вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари аниқ қилиб белгиланишига, юқорида таъкидлаб ўтган турдаги жиноят ишлари тергов қилинишида тергов органлари ўртасида сансалорлиқнинг олди олинишига эришилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда одам савдоси қурбонларини аниқлаш, химоя қилиш ва иқтимоий реабилитация қилиш, шундай жиноятлар қурбонига айланган фуқароларга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатиш, одам савдосига алоқадор шахсларни тергов қилиш ва жавобгарликка тортиш, шунингдек, бундай жиноятларни содир этишга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Айниқса, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши қураиши Миллий комиссияси томонидан мамлакатимизда вояга етмаган шахслар манфаатларини химоя қилиш кафолатларини янада қучайтириш, уларни мажбурий меҳнатга, таққиланган ёки қайриқонуний бирлашмалар фаолиятига жалб қилиш ҳамда вояга етмаганлардан шахвоний мақсадларда фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш ва бундай ҳаракатларни содир этганларнинг жавобгарлигини сўзсиз таъминлашда қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ушбу тизимли чораларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Жумладан, Жиноят кодексида, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда унга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш орқали у билан жинсий алоқа қилиш учун жавобгарлик белгиланмоқда. Бу эса вояга етмаганларнинг фоҳишаларидан фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш орқали нафақат ўн олти ёшгача, балки ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, яъни бола ҳуқуқлари ва эркинликлари химояси кафолатланади.

Шу билан бирга, мазкур жиноят объекти сифатида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсининг нормал ва ахлоқий ривожланиши эканлигини инобатга олиб, жиноят субъекти ёшини 18 ёш этиб белгиланмоқда.

Бундан ташқари, вояга етмаган шахслар манфаатларини химоя қилиш кафолатларини янада қучайтириш, уларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларига чек қўйиш мақсадида жавобгарлик масаласи қучайтирилиб, вояга етмаган шахсни меҳнатга бирор-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлабларлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланмоқда. Шу муносабат билан меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун жавобгарлик назарда тўтилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидagi тегишли норма чиқарилмоқда.

Шунингдек, вояга етмаган шахсни Ўзбекистон Республикасида қайриқонуний жамоат бирлашмалари билан диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятда қатнашишга ундаш учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Бу эса вояга етмаган шахсларни қайриқонуний жамоат бирлашмаларига жалб қилиш учун кескин чоралар кўриш орқали вояга етмаганларнинг мазкур жиноятлар қурбони бўлиши хавфининг олдини олишга, улар манфаатларининг давлат томонидан кафолатли химоялашни янада қучайтиришга хизмат қилади.

Мазкур қонуннинг ҳаёта табиқ этилиши одам савдосидан жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли химоя қилиш, шу тарика халқро майдонда давлатииз маънуфиз ошишига, бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳолис ва тўғри маълумотларни кенг жамоатчилик ҳамда халқро ҳамжамиятга етказишга ёрдам беради.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, Сенат аъзолари томонидан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республи-

каси қонуни маъқулланган эди. Унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари, ушбу ҳужжатларнинг ўзаро нисбатини белгилаш, шунингдек, уларни режалаштириш, ташаббус қилиш, тайёрлаш, келишиб олиш, қабул қилиш, эълон қилиш, уларнинг ижросини ташкил этишнн таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш белгиланган эди.

Қабул қилинган қонуннинг асосий принциплари этиб қуйидагилар:

— қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонуности ҳужжатлар эканлиги;

— конституциявий қонунлар ва кодекслар нимани ифодалашини;

— қонуности ҳужжатларини тартибга солиш доираларини белгилаш, уларда жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлиқни, шунингдек, ҳўжалик бошқаруви органларининг ваколатларига кирувчи масалаларни ҳамда корпоратив муносабатларни тартибга солишни назарда тутадиган ҳуқуқий нормалар аниқ белгиланган.

Унинг мантиқий давоми сифатида ушбу қонун билан 5 та Конституциявий қонун, 294 та қонун ва 1 та Олий Мажлис қарорига ўзгартиш киритилмоқда. Бунда мазкур барча ўзгаришлар мазмуну ва концептуал жиҳатидан бир хил ҳисобланади.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатларидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирлиқлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатларидир.

Шуларга асосан, мазкур қонун билан қонун ижодкорлиги ва қонунчилик соҳасида ишлатилиши лозим бўлган атамалар билан боғлиқ ўзгаришлар киритилмоқда.

Ушбу ўзгаришларнинг киритилиши миллий норматив-ҳуқуқий базада давлат тилидаги “қонунчилик” тушунчасининг бир хиллаштирилишига эришилади. Ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳар хил тушунмовчиликларнинг олди олинади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг “Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари қадам қўяётган Янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиебатида туб ўзгаришлар, учинчи Ренессансга пойдевор бўладиган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, яхши қўшничилик ва конструктив мулоқотга асосланган сиебатимиз туфайли Марказий Осиёда тамоман янги дўстона муҳит юзага келди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний баргикенгликни таъминлаш, шунингдек, вазимн, ўзаро фойдали ташқи сиебатни амалга ошириш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг парламентга йўллаган Мурожаатномасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июль — Халқаро дўстлик кўни сифатида кенг нишонланишини инобатга олиб, ушбу санани Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги кўни” деб белгилаш тақлиф этилган эди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 мартдаги фармонига мувофиқ тасдиқланган “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида “Халқлар дўстлиги ва умумхалқ бирдамлик кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқиш топшириғи белгиланган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасини қонунда халқимизга хос баргикенглик ва азалий дўстлик ғоялари ифода топган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элзатлар ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари истиқомат қилиб, 141 та миллий-маданий марказ ва 36 та дўстлик жамияти фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 майдаги фармони асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида “Дўстлик уйлари” ташкил этилди.

Турли миллатлар вакили бўлган 14 нафар ташаббускор ва фидойи юрдоҳшимиз Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвон билан тақдирланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Турли миллат вакилларининг ўз она тилларида таълим олиш имкониятини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз

таълим муассасаларида ўқиш 7 тилда, яъни ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ташқари рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида ҳам олиб борилмоқда. Олий таълим масканларида эса бир неча қардош ва хорижий тилларда таҳсил олиш имконияти яратилган.

Телеаралларда 12 тилда кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилаётгани, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилда чоп этилаётгани мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг амалдаги намунасиدير.

2019 йил 15 ноябрда фармонга мувофиқ Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ошириш мақсадида Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиебати концепцияси тасдиқланди.

Халқлар дўстлиги ва умумхалқ бирдамлик кунини байрам сифатида белгилашдан асосий мақсад инсонлар, халқлар, давлатлар, умуман олганда, жамиятнинг турли қатламлари ҳамда тузилмалари ўртасида ҳамжиҳатлик, баргикенглик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришдан иборат.

Сенат аъзолари мазкур қонунни маъқуллади.

Сўнгра илмий фаолиятни ривожлантириш учун кўрилаётган чоралар ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Ҳукумат томонидан парламент сўровига белгиланган муддатда жавоблар тақдим этилди ва Сенатнинг тегишли қўмита аъзолари томонидан жавоблар таҳлил қилинди.

Жавобда илм-фан ва илмий фаолиятни тақомиллаштиришга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тасдиқланганлиги маълум қилинган.

Шунингдек, хорижий давлатлар билан халқро қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 6,9 миллиард сўмлик 25 та “Ўзбекистон — Беларусь”, “Ўзбекистон — Германия” ва “Ўзбекистон — Туркия” халқро қўшма лойиҳа бажарилмоқда. Жорий йилда Туркия, Хитой ва Ҳиндистон давлатлари билан қўшма лойиҳаларга танловлар эълон қилинган.

2019 йилда Тошкент шаҳридан ташқари ҳудудларга ажратилган қвоталар 376 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 558 тагача етказилган. 2021 йил учун докторантурага 842 та қвоталар ажратилган. Шу билан бирга, кимё, биология, геология ва математика йўналишлари бўйича докторантурага қвоталар сони ўтган йилгига нисбатан сезиларли даражада оширилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидagi илмий ташкилотлар томонидан ҳозирги кунда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида умумий қиймати 53,5 миллиард сўмлик 147 та лойиҳа бажарилмоқда.

Мажлисида парламент сўровида айрим масалалар юзасидан жавоблар етарлича акс эттирилмаганлиги сенаторлар томонидан қайд этилди.

Хусусан, илм-фанга йўналтирилдиган жами маблағларнинг ялли ички махсулотта нисбатан улущи 2025 йилга қадар 6 бараварга (ЯИМга нисбатан 1,2%), 2030 йилгача эса 10 бараварга (ЯИМга нисбатан 2%) оширилиши белгиланганига қарамай, буни таъминлаш бўйича ҳукумат томонидан 2021 йилда олиб бориладиган ишлар бўйича аниқ маълумотлар берилмаганлиги, инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотларга мос тарзда илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан аниқ чора-тадбирлар белгиланмаганлиги, олий таълим муассасаларининг ва таркибда таълим муассасалари бўлган соҳаларда илмий салоҳиятини ошириш йўналишда таҳлиллар, прогнотлар ва аниқ тақлифлар ишлаб чиқилмаганлиги таъкидланди.

Муҳокама натижаларига кўра, Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровида қўйилган масалаларга юзаки ёндашган мутасаддиларнинг масъулиятини ошириш ҳамда сўровда акс эттирилган барча масалаларни чуқур ўрганиб, натижа-си юзасидан Сенатга ахборот киритиш топшириғи берилди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар мамлакатимизда тошқинлар, сел оқимлари, кўчки хавфи мавжуд тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари ҳамда иқтисодий объектлар хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, бу борада Ҳукумат томонидан ўрганиш олиб борилган. Унинг натижалари тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор қўчиш ва ер қўчки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Ҳукумат комиссиясининг мажлисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ
ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 2021 йил 2 февралдаги 244-сонли, Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 2021 йил 2 февралдаги 135/21-сонли ва 136/21-сонли, Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг 2021 йил 2 февралдаги 16/141-сонли ва 16/143-сонли, Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2021 йил 29 январдаги 94/17-06-сонли, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 2021 йил 2 февралдаги №182/VI-21-сонли, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2021 йил 2 февралдаги VI/XXIV-I-сонли, Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2021 йил 2 февралдаги №23-99-сонли, Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг 2021 йил 2 февралдаги 107-20/06-сонли ва 108-20/06-сонли қарорларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 12 ва 13-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 3 февралдаги

№732–IV-сонли, №733–IV-сонли, №734–IV-сонли, №735–IV-сонли, №736–IV-сонли, №737–IV-сонли, №738–IV-сонли, №739–IV-сонли, №740–IV-сонли, №741–IV-сонли, №742–IV-сонли, №743–IV-сонли, №744–IV-сонли, №745–IV-сонли ва №746–IV-сонли қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари этиб сайлансин:

Базаров Орифжон Шадиёвич — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори

Джуроев Шухрат Низамович — “Навоийазот” акциядорлик жамияти ижтимоий ва маиший масалалар бўйича бўлим бошлиғи

Қадирова Муяссар Джумаевна — Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Кучаров Бахром Тулкинович — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Низамходжаев Зайниддин Махаматович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари

Усмонкулов Алишер Қодиркулович — Жиззах политехника институти ректори

Фарманов Александр Касимович — “Ўзлектроаппарат” АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси

Юсупов Эргаш Аманбаевич — Хоразм вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари **М.А.Абдусаломов, О.Бобо-жонов, М.А.Джуроева, Ж.Х.Норов, Э.Ражабов, Ж.Садиқов** ва **Э.Ғ.Ходжакулов**нинг воқалатлари тугатилган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилсин.

5. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Т. Норбоева

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-бандига ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Халилилло Собиржонович **Турахужаев** лавозимда бўлиш-

нинг муддатсиз даврига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси лавозимига сайлансин.

2.Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан:

Лукмон Мухтарович **Кадиоров**;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Талъатжон Бахтиёрович **Мелибоев**;

Абдурасул Ғаппорович **Эранов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.

3.Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Т. Норбоева

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий
судининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ РАИСИ
ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бахтияр Шамсуддинович **Мирбабаев** ўзининг берган ёзма аризасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси лаво-

зимидан озод қилинсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Қ А Р О Р И

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ РАИСИНИ
САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 108-моддасининг учинчи қисми ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни 5-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Мирзо-Улугбек Элчиевич **Абду-саломов** Ўзбекистон Республикаси

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Ўзбекистон Республикаси Марказий
сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И

3.НИЗАМХОДЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ САЙЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 12 ва 16-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 февралдаги тақдирномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Низамходжаев Зайниддин Махаматович Ўзбекистон

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

Тошкент шаҳри, 2021 йил 5 февраль

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ:
ТЎРТ ЙИЛЛИК САРҲИСОБ ВА
КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР

Тошкентда 5 февраль куни “Ўзбекистон Республикаси Президентини Мурожаатномаси: Ҳаракатлар стратегиясининг тўрт йиллик самарадорлиги ва 2021 йилга мўлжалланган устувор вазифалар” мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан ташкил этилган ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиб беришга қаратилган тадбирда тегишли вазирлик, идоралар, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва хорижий экспертлар иштирок этди.

Анжуманда Ҳаракатлар стратегиясининг тўрт йиллик сарҳисоби ҳамда жорий йил учун белгиланган вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

— Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистондаги ислохотларга халқаро ҳамжамият жиддий қизиқиш билдирилмоқда, — деди “Тараққиёт стратегияси” маркази ихрочи директори Элдор Туляков. — Шу боис, форум иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, қайси йўналишларда ислохотларни кучайтириш лозимлиги юзасидан ўз тақлифларини илгари сурди. Шунингдек, бу борада хорижий ҳамкорлар билан ичмил ишлар олиб бориш ҳам режалаштирилган.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда юз бераётган янгиланишлар самарасини бутун дунё эътироф этмоқда. Хусусан, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси Хелена Фрейзер таъкидлаганидек, “Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакат ҳаётида улкан ижобий ўзгаришларга йўл очиб берди. Республикада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш борасида катта ишлар қилинди, мажбурий меҳнат, айниқса, болалар меҳнатига бутунлай чек қўйилди”.

Маълумки, пандемия инсониятни қўллаб қийинчиликларга дучор этди. Шу маънода давлатимиз томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ҳам халқаро миқёсда оқилшанаяпти.

— Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига 57 давлат аъзо, — дейди ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Жон Мак Грегор. — Биз ҳам Ўзбекистон йўлга қўйган ислохотлар жараёнини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакат кейинги тўрт йил ичида улкан ютуқларга эришди. Юртингизда анчадан буён фаолият олиб боряпман, яъни ушбу ўзгаришларнинг аксарияти менинг кўз ўнгимда рўй берди.

Жаҳон банкининг республикамиздаги ваколатхонаси раҳбари Марко Мантованелли ҳам дёғиримиздаги ижобий ҳолатларга юқори баҳо берар экан, Ўзбекистондаги тузилмавий ислохотларни мазкур нуфузли халқаро молиявий ташкилот маъқуллашини билдирди.

Тадбир давомида, шунингдек, Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, Иқтисодиётни либераллаштириш, Ижтимоий соҳани ривожлантириш, Жафсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш каби устувор йўналишларга бағишланган маърузалар тингланди.

Форум сўнггида экспертлар тегишли мавзулар юзасидан берилган саволларга атрофлича жавоб берди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА муҳбири

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ШОЛИ ЕТИШТИРИШ
ИЛМ-ФАНГА АСОСЛАНАДИ



Ғиёсжон РАҲИМОВ,
Ирригация ва сув муаммолари
илмий-тадқиқот институти
бўлим мудир, қишлоқ ҳўжалиги
фанлари доктори, профессор

Сара уруғ — ҳосил бўлик, деб бежиз айтилмайди. Чунки, тўғри ташкил этилган уруғчилик мўл ҳосил етиштиришининг муҳим шарти ҳисобланади.

Қарорда ҳам шולי уруғчилиги ҳўжаликларини ташкил қилиш ва уларда авлодли уруғлик қўпайтириш тизимини йўлга қўйиш, ер майдонларини ажратиш, экилган уруғлик майдонларини белгиланган тартибда қатъий апробациядан ўтказиш ва ҳўжаликларда уруғлик шוליни тозалаш, саралаш, қадоклаш ишларини амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Маълумки, шולי дони (гуручи) қадимдан дунёнинг қўплаб мамлакатларида экилгани боис, ер юзиде кенг тарқалган ҳамда қўп истеъмол қилинадиган қимматбаҳо маҳсулотлар сирасига қиради. Унинг юзлаб фойдалеи хусусиятлари орасида инсон организмиде бошқа озуқа моддаларига нисбатан энг енгил ҳазм бўлиши, таркиби (бошқа донли экинларда учрамайдиган оксиллар) витамин ва фосфорорганик бирикмаларга бойлиги жиҳатдан алоҳида ажралиб туради.

Мамлакатимизда шולי ҳозиргача суғориладиган ерларда экилиб, иқлим ўзгаришлари унинг ҳосилдорлигига деярли таъсир кўрсатмайди. Қурғоқчилик шароитларида ҳам талаб қилинадиган агротехнологияларни ўз вақтида қўллашга риоя қилинса, ундан юқори ҳосил олиш мумкинлиги амалиётда ўз исботини топган.

Жаҳон тажрибасида шולי етиштиришнинг бир қанча усуллари мавжуд. Республикаимизда бу экин аксарият ҳолда уруғи қадалгандан кейин уни сувга бостириб қўйиш технологияси асосида етиштирилади. Бунда ҳосил пишиб етилгунга қадар шוליпоярларда сув сатҳини 5-7, 10-12, 15-20 сантиметр қалинликда ушлаб туриш талаб этилади.

Тадқиқотларга қараганда, сифатли шולי уруғи ҳосилдорлиқни 25 фоизгача ошириши мумкин. Бунинг учун элита 1- ва 2-репродукцияли уруғларнинг бошланғич кўкарувчанлик даражаси 85-95 фоиз бўлиши лозим. Экиладиган шולי навларининг сифати наъни янгиллаб туриш йўли билан амалга оширилади. Кенг майдонларга экилган шולי навларининг уруғи ҳар 3-4 йилда бир марта янгиланиши керак. Уруғлик шוליни сақлаш муддати одатда 2 йилдан ошмайди. Қарорда белгиланганидек, уруғчилик ҳўжалиқларининг даласида 2 йилдан ортиқ шולי етиштирилишига йўл қўймаслик учун илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш орқали қутилган самарага эришиш мумкин бўлади.

ШОЛИ ЕТИШТИРИШДА
СУВДАН ТЕЖАБ
ҲОЙДАЛАНИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, экспорт ҳажмини ошириш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда ер юзиде аҳоли сонининг ортиши, иқтисодиёт ривожи ҳисобиға тобора қучайиб бораётган сув тақчиллиги барча экинлар, шу жумладан, шוליни етиштиришда сув тежовчи технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг 7 та ҳудудидаги 43,4 минг гектар (шундан қишлоқ ҳўжалигида ерларни қайта фойдаланишга киритиш ҳисобидан 6,9 минг гектар) ер майдонларида 35 та шוליчилик кластери (Қорақалпоғистон Республикасида 6 та, Хоразмда 14 та, Андижонда 9 та, Сирдарё ва Фарғонада 2 тадан, Наманганда ва Тошкентда 1 тадан) ташкил этилган бўлиб, уларнинг сувға бўлган талаби катта.

Маълумотларға қўра, республикамизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида бир йилда ўртача 52 миллиард куб метр сув сарфланиб, унинг 80 фоизи трансгаравий дарёлар ҳиссасига тўғри келади. Қўшни давлатлар ҳудудидаги сувлар музликлар ва қорларнинг эриши ҳисобиға шаклланади. Бироқ иқлим ўзгариши ва бошқа антропоген таъсирлар оқибатида тоғлардаги музликларнинг сони ва ҳажми кескин қамайиб, дарёлардаги сув ҳажми пасайиб бормоқда. Бундан ташқари, минтақа мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам аҳоли сонининг ўсиши ва иқтисодиётнинг жадал ривожланиши натижасида сувға бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бундай шароитда қишлоқ ҳўжалигида сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш, айниқса, экинларни суғоришда сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланишни даврининг ўзи тақозо этипти.

Шоли доимо сувда ўсишиға қарамай, унинг ривожланиш даври давомида сувға бўлган талаби турлича. Ўзбекистонда ҳозиргача аънаваний усулда экиладиган шוליпоярларнинг суғориш даври апрель ойининг учинчи ўн кўнлигидан сентябрь ойининг биринчи ўн кўнлигигача давом этади.

Йиллик суғориш меъёри аънаваний усул, яъни шולי уруғини тупроққа қадаган кундан пишиб етилгунча бўлган даврда иқлим, тупроқ ва амалга ошириладиган агротехник тадбирларнинг туриға қараб,

гектарига ўртача 16-25 минг куб метрни ташкил қилади. Унинг 30-40 фоизини шולי ўсимлиги пишиб етилиш давригача ўзлаштиради, қолган қисми парланиш, тупроққа шимилиб, ер остиға ўтиб кетиш каби фойдасиз жиҳатларға сарфланади.

Ҳозирги вақтда аънаваний усулда экилган шוליпоярлар оқовали ва оқовасиз усул билан суғорилади. Сувдан фойдаланишда оқовасиз суғориш усулини қўллаш мақсадға мувофиқ бўлиб, бу йиллик сув меъёрини 25-30 фоиз тежаш имконини беради. Аҳамиятли томони, оқовасиз мазкур усулни тупроқ шўрланмаган ёки шўрланган шароитларда ҳам қўллаш мумкин.

Шоли уруғи саялкалар ёрдамида тупроққа 1-2 сантиметр чуқурликка экилган шароитда қисқартирилган суғориш усули қўлланилади. Бунда биринчи бостирилган сув қатлами 3-4 кун давомида ушлаб турилиб, сўнг сув бериш тўхтатилади. Шוליпоярлардаги сув қатлами тупроққа шимилиб, майсалар қатори аниқ кўринганидан сўнг яна 5-6 сантиметр қатламида сув бостирилади. Бундай шароит ҳар бир гектар ердаги қўчталар сони тўлиқ бўлишиға ва сувни ҳар гектаридан 2-3 минг метр куб тежашға имкон яратилади.

Сувни бош шохобчадан кейинги суғориш шохобчаларига меъёридан катта миқдорда оқизиб қўйиш, шוליпоярларда ортиқча сув қатламини ушлаб туриш каби ҳўллар сувнинг беҳуда сарфланишиға олиб келади. Ваҳоланки, шолининг ривожланиш даврида сувнинг белгиланган нормадан қўп сарф қилиниши ҳосилдорлиқни оширмайди, аксинча, бу ҳолат, айниқса, ҳозирги вақтда ҳўжаликларға иқтисодий жиҳатдан катта зиён келтиради.

ШОЛИНИ КЎЧАТ УСУЛИДА
ЕТИШТИРИШ

Сувни тежашнинг самарали усулларидан бири шוליни кўчат усулида етиштириш ҳисобланади. Бу усулда шולי кўчатини кичик майдонларда етиштириш ҳисобиға йиллик сув меъёрининг катта қисми иқтисод қилинади.

Шолини кўчат қилиб етиштириш усули Хитой, Хиндистон, Вьетнам, Индонезия, Шимолйи Корея каби давлатларда кенг қўлланилади. Бунда шולי экиладиган жойларнинг иқлим шароитдан унумли фойдаланиш ҳамда ўрим-йигимни эрта муддатлар-

да ўтказиш имконияти яратилади. Қолаверса, ҳар бир гектар ердан унумли фойдаланиш натижасида 2 маротаба ҳосил етиштириш мумкин. Шоли кўчат усулида экилганда уруғлик шולי 60-70, сув сарфи 30-40 фоиз иқтисод қилиниб, ҳосилдорлик 30 фоизгача ортади.

Ҳозирги вақтда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти олим ва мутахассислари томонидан фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари ҳўжалиқларида фойдаланиш учун шוליни кўчат ҳолида экиш усули технологияларини жорий этиш бўйича тавсияномалар тайёрланган бўлиб, уларни республикадаги шוליчилик ҳўжаликларига тарқатиш ишлари амалға оширилмоқда.

Шунингдек, ерларни лазер қурилмалар ёрдамида назорат қилинадиган техникалар орқали текислаш ҳам долзарб масалаға айланган. Лазер қурилмалари текислаш ишлари сифатини тўбдан яхшилаб, технологик кўрсаткичларни оширади. Жараёнда геодезия ишлари 80 фоизға қамайиб, агрегатлар иш унуми 20-30 фоиз, ҳосилдорлик 35 фоизга ошади. Сув сарфини эса 50 фоизга тежайди.

Президентимизнинг “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориде 2021 йилда жами шולי майдонларининг камида 20 фоизида шוליни кўчатлаб экиш, 50 фоизида лазер усулалари ёрдамида ер текислаш тизимини жорий этиш, 30 фоизида шוליни замонавий уруғ саялкалар орқали экиш, 2022 йилда бу кўрсаткичларни янада ошириш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда шוליчилик амалиётида юқорида келтирилган барча масалаларни сифатли бажариш учун ер, сув ва бошқа комплекс ресурслар мавжуд. Илмий асосланган технологиялар ишлаб чиқилган. Тавсияномалар тайёрланиб, қўлланма сифатида фермер, деҳқон ҳўжалиқларига тарқатилиб, ўқитиб, ургатиш ишлари олиб борилмақда.

Сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, экспортни ошириш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қарорда белгилаб берилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш шоли етиштирувчи мутахассислар, фермер, деҳқон, томорқа ер эгалари билан бир қаторда биз олимларнинг ҳам энг асосий кўндалик вазифамизға айланиши лозим.

Биз профилактика инспектори текширувчи ёки назоратчи эмас, балки барча ҳаётий масалаларда маҳалла аҳлига кўмак берадиган, чинакам елкадош, ёнма-ён турадиган куч бўлишини вазифа қилиб қўйдик.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

“ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” ТАМОЙИЛИ — АМАЛДА МАСАЛА МАҲАЛЛАДА ҲАЛ ЭТИЛСА бошқаларнинг ороми бузилмайди



**Бахтиёр БЕРДИАЛИЕВ,
Ички ишлар вазирлигининг
хуқуқбузарликлар
профилактикаси
бош бошқармаси бошлиғи,
полковник**

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича асосий масъулият профилактика инспекторлари зиммасига юклатилади. Улар вазифасини самарали бажариш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда, энг аввало, маҳаллада яшовчи, ўзининг ғайрииктимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларнинг турмуш тарзини, мавжуд муаммоларини ўрганиши зарур. Уларнинг онига ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек, жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларини сингдириши керак.

Бу борада, айниқса, маҳаллаларда бор куч-гайратини ишга солиб, садоқат билан туну кун хизмат олиб бораётган профилактика инспекторларининг хизмати таҳсинга лойиқ. Ўтган йил давомида содир этилган жи-

Давлат муттасил ривожланар экан, хуқуқбузарликларни содир этиш турлари ҳам мураккаблашиб боради. Шу боис, бугун мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш нафақат ички ишлар органларининг, балки хуқуқни муҳофаза қилувчи барча ташкилотлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан саналади.

ноятларнинг салмоқли қисми профилактика инспекторлари томонидан фош қилинди. Улар қидирувда бўлганларнинг 273 нафарини қўлга олиб, етмиш нафар бедарак йўқолган шахсни қидириб топган. Зеро, муаммонинг маҳалладаёқ аниқланиб, бартараф қилиниши зарар қўлами кенгаймаслигига хизмат қилади.

Соҳа вакиллари ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудудда муқаддам судланганлар, маъмурий назоратда турганлар, оила-турмуш доирасида хуқуқбузарликлар содир қилувчи

таъсирига тушиб қолиши ҳамда жиноят ёки хуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида мунтазам профилактика ишларини олиб бормоқда.

Профилактика инспекторларининг сайё-харакаatlари билан яшаш, ўқиш ва иш жойига муқим эга бўлмаган ўттиз тўрт мингдан ортқ шахс аниқланиб, уларга ижтимоий кўмак берилди. Бундан ташқари, 175 мингдан ортқ одам ҳисобга олиниб, улар билан умумий про-филактик суҳбатлар ўтказилди.



шахслар, спиртли ичимликка ружу қўйганлар, ёшлар, айниқса, вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратяпти. Ўсмирларнинг ёт ғоялар

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла инсти-

тутини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига биноан “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг янги тизими жорий этилди. Профилактика инспекторига фуқаролар йиғини раисининг хуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари мақоми берилди. Натижада жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика инспекторлари ва маҳалла фаолларининг ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Фаолият самарадорлигини ошириш учун профилактика инспекторлари узоқ муддатли имтиёзли кредитлар асосида шахсий автомашиналар билан таъминланди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, хуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини бартараф олиш, фуқаролар ҳаётига дахлдор муаммоларини ўрганиб, бартараф этиш, аҳоли осойишталигини таъминлашда ижобий кўрсаткичларга эришганларни рағбатлантириш механизми жорий этилди.

Халққа жисман ва қалбдан яқин, фуқаролар билан ҳамнафас бўлишини инобатга олиб, ҳар бир профилактика инспектори учун ўзи хизмат қилаётган маҳалла гузарига хизмат уйи қуриб берилмоқда. Соҳа ходимлари оиласи билан ўзи хизмат қилаётган маҳаллада яшаяпти. Маҳалладошлари нафас олаётган муҳитдаги ҳолатдан, аҳолининг иссиқ-совуғидан туну кун хабардор бўляпти. Бу ҳам профилактика инспекторлари учун қўшимча қўлайлик яратяпти, узогини яқин қиялпти, вазифаларини тўлақонли адо этишида муқим омил бўлмоқда.

Мазкур қарорга асосан “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмалари раҳбарлиги туғати-



либ, ўрнига профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари вазифаси жорий этилди. Унга аҳоли билан мулоқотга киришувчан, ташаббускор, ташкилотчи ёшлар қабул қилинди. Жумладан, “Фидокор ёшлар” жамоатчилик патрўль гуруҳларини ташкил этиш борасида Тошкент шаҳри тажрибаси юртимизнинг барча маҳаллаларида жорий этилди. Ҳозир етти мингдан зиёд шундай жамоатчилик патрўль гуруҳи фаолият юритапти. Улар сафига қарийб ўн етти минг нафар ёш жалб этилган. Улар ўзларига бириктирилган патрўллик йўналишида йигирма уч мингдан ортқ хуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсни аниқлаб, профилактика инспекторларига хабар берди. Натижада тўққиз мингдан ортқ хуқуқбузарлик ҳолатининг олди олинди. Ўн мингдан ортқ маъмурий хуқуқбузарлик аниқланди, юздан ортқ жиноят фош этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги “Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан мамлакатимиз бўйлаб ҳудудий ички ишлар бошқармаларида хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича инспектор ва психолог штатлари жорий қилинди. Бу янгилик тез орада самара берди. Ўтган даврда етти мингдан зиёд аёл-қизнинг ишга жойлашувига кўмаклашилди. Қарийб ўн икки минг опа-сингилмизга моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш

учун ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда таъйиқ ёки зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордери бериш тартиби белгиланган. Қарорга кўра, ҳимоя ордерларини профилактика инспекторларини беради. Ўтган йил давомида ўн тўрт мингдан ортқ аёл-қизга ҳимоя ордерлари тақдим этилди. Ҳимоя ордери чекловларига амал қилмаган 146 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликдаги сайё-харакаatl туфайли 196 мингдан ортқ оиладаги турли низолар ўрганиб чиқилди. Ўн тўққиз минг оиланинг нотинчлигига барҳам берилди. Сақмиз мингдан ортқ оила парокандаликдан сақлаб қолинди.

Айни пайтда юртимиздаги криминоген вазияти оғир деб топишган маҳаллаларга Миллий гвардия ходимлари бириктирилган. Хуқуқбузарликларнинг олдини бартараф олиш бўйича ички ишлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Янги тартиб бўйича криминоген вазияти оғир маҳаллаларда Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг қўшма патрўллик йўналишлари ташкил этилиб, жамоат тартибини сақлаш қучайтирилди. Хар ҳафта якунида содир этилган жиноятлар “маҳаллабай” тизимида чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгилаб боришмоқда.

ИСТИҚБОЛЛИ ТИЗИМ

Бошлиғини 1-бетда



**Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг
Аграр ва сув ҳўжалиги
масалалари қўмитаси раиси**

Экспертларнинг таъкидлашича, кластерларни шакллантиришдан мақсад — шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ҳамда улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, муҳандислик, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш. Шу асосда инновацион ишлаб чиқариш ташкил этилади ва рақобатбардош товарлар яратилишини яхлит платформаси юзага келади. Энг муҳими, бу жараёнлар аҳолининг бандлик даражасини таъминлашда катта аҳамият касб этиши билан бирга турмуш шароити ҳам оширишга хизмат қилади. Мазкур тизимда қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги барча мутахассислар — деҳқонлар, олимлар, муҳандислар, агрономлар, иқтисодчилар, ветеринарлар, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари ўқитувчилари, талабалар, илмий ходимлар, хуллас, барча бир ёқадан бош чиқариб, ягона мақсад сари интилади.

Бинобарин, мазкур янги тузилма ўтган жуда қисқа вақт ичида аграр соҳани ҳаракатлантирувчи етакчи куч — “драйвер”га айланди. Бунчи биригина пахтачиликда ҳосилдорлик бир йилда ўртача 10 фоиз ошгани, пандемиянинг салбий таъсирига қарамай, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилингани ҳам яққол тасдиқлади. Бундай салмоқли натижаларга эришилди кластерларнинг ҳиссаси жуда катта бўлди.

Шундай экан, бугун нафақат агросаноат мажмуи, балки у билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқлар истиқболи кластер услубига боғланаётгани бежиз эмас.

Бунда соҳанинг қонунчилик пойдевори яратилиб, такомиллаштириб борилаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этияпти, албатта.

АГРОКЛАСТЕРЛАР барча бирдек манфаатдор бўлган келажакни яратади



ли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш натижасида уларнинг янада фаровон яшашларига қўлай шарт-шароит яратмоқда.

Эсласак, бир пайтлар фермерлар орасида ер сотиш, экин майдонидан пул эвазига томорқа учун жой ажратиш каби ишлар билан машғул бўлганлар ҳам учради. Ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатига эса етарли эътибор берилмади.

Пахтани фақат экспорт қилиб, эвазига ўн баробар кам даромад оларди. Унумдор ер, тўқин сув бўла туриб, ҳосилдорлик ва рентабеллик пасайиб бораверди.

Бугун ҳар қарич ердан самарали фойдаланишга алоҳида урғу берилмоқда. Пахта майдони ёнида енгил конструкцияли фабрикалар барпо этиляпти. Ҳосил шу ерининг ўзида толага айлантирилиб, ундан тайёр кийим-кечак олинмоқда. Ёки кластер қошидаги мини ёғ заводаларида ёғ, совун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Бир сўз билан айтганда, ҳозир аграр соҳа янги инновацион лойиҳалар асосида ривожланиш палласига ўтди.

Бун қайси жиҳатларда қўриш мумкин? Гап шундаки, пахта толаси қишлоқ ҳўжалигида тайёрланадиган ялли маҳсулотнинг деярли ярмини ташкил этади. Лекин кейинги таҳлиллар пахтачиликда ишга солинмаган

катта имкониятлар мавжудлигини исботлаб берди.

Албатта, янги ислохотларни бошлаш ва пахта ҳосилдорлигини ошириш чораларини қўриш, арзон-гаровга хомашё соттандан кўра уни қайта ишлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш орқали қўзланган мақсадга эришиш мумкин эди. Ўшани пайтда қўзланган натижага эришилмоқда.

Бундан тўрт йил аввалги ҳолатни таҳлил этадиган бўлсак, Исроилда пахтачиликдан олинаётган ўртача ҳосилдорлик 53,5 центнер, Австралияда 50,3, Туркияда 40, Бразилияда 42,2, Мексикада 37,6 центнер бўлгани ҳолда Ўзбекистонда 25 центнердан ошмасди. Пахта етиштириш бўйича дунёда 5-ўринда турадиган Ўзбекистон учун бу паст кўрсаткич эди, албатта.

Мазкур вазиятни ўзгартаришнинг ягона усули кластер эканини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ҳозир пахта-тўқимачилик кластерлари экин майдонларидан гектарига 70 центнергача ҳосил олишга эришилётганини фикримиз исботлади.

Хусусан, республика бўйича 2020 йилда жами 1 миллион 34 минг гектар майдонда, шундан 927 минг гектар майдонда 97 та пахта-тўқимачилик кластери иштирокида пахта хомашёси етиштирилди. Ўтган йилда пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан

жами 2 миллион 794 минг тонна пахта хомашёси етиштирилган бўлиб, ўртача ҳосилдорлик гектарига 30,1 центнерни ташкил этган.

Бугунги кун ҳолатига пахта етиштириш бўйича жами 32,5 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий этилган бўлиб, шундан 3,9 минг (35 фоиз) гектар майдонни фермер ҳўжаликлари томонидан амалга оширилган бўлса, 21 минг (65 фоиз) гектари кластерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу, ўз навбатида, сув ресурсларига бўлган эҳтиёж кундан-кунга ўсиб бораётган шароитда кластер тизимининг афзаллигини намоян қилади.

Тизимнинг ижтимоий жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда кластерларда 550 минг тонна қалава ил, 204,5 миллион квадрат метр газлама, 54,5 минг тонна мато тўқиш, 69 минг тонна матони бўяш ҳамда 218,6 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд.

Кластерлар томонидан 2018–2020 йилларда пахта хомашёсини етиштириш ва уни қайта ишлашни ташкил этиш бўйича лойиҳалар амалга оширилиши натижасида жами 145,7 мингта, шундан 2020 йилда 87,2 мингта янги иш ўрни яратилди.

Хусусан, 2020 йилда 18 та кластер томонидан пахтани қайта ишлаш бўйича қиймати 774 миллиард сўм бўлган 29 та инвестиция

лойиҳаси ишга туширилиб, 6,3 мингта янги иш ўрни яратилган. Бу шунча одам доимий иш жойига эга бўлди, уларга меҳнат дафтарчаси очилди, энг муҳими, доимий даромад манбаи пайдо бўлди, деганидир.

Эътибор беринг, бугунги кунгача 14 та пахтачилик кластери томонидан жами 4 минг гектар, шундан 3,6 минг гектари фойдаланишдан чиқиб кетган ва 734 гектари янгидан ўзлаштирилган ер майдонлари фойдаланишга киритилган.

Пахтачиликда кластер тизимини жорий этиш натижасида маҳсулот етиштирувчиларнинг моддий манфаатдорлиги 1,5 баробар оширилди. Жумладан, пахта хомашёсини етиштиришда бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 2018 йилда 850-900 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 2,2 миллион сўмгача етди. Бу прогрессив жараён бўлиб, кўрсаткич ўсиб бораверади.

Мақсад ва истиқбол режаларисиз ҳаракатланиш тунда манзилни билмай туриб йўлга чиқиш билан баробар. Пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 2020–2023 йилларда қиймати 134,2 триллион сўмлик 245 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва 49,3 мингта янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Жумладан, пахта тозалаш заводи сотиб олиш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича қиймати 2 триллион сўмлик 30 та, ил-йигирув фабрикасини ташкил этиш бўйича қиймати 9,4 триллион сўмлик 43 та, мато тўқишни ташкил этишда қиймати 112,3 триллион сўмлик 21 та ҳамда мато ва қалава илчи бўяшда қиймати 648,8 миллиард сўмлик 8 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, ёғ-мой заводи ташкил этиш бўйича 48 та, чорвачилик комплекси ташкил этишда 33 та, томчиллатиб сугоришни жорий қилишда 13 та, тикув ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда 22 та, қишлоқ ҳўжалиги техникаларини сотиб олиш бўйича 13 та лойиҳа мана шу 2 йил ичида амалга оширилди.

Бундан ташқари, қўшимча тармоқларни ташкил этиш, яъни агрологистика марказлари, биолобатория, ўн заводи, мато сотиб олиш ва бошқа йўналишларда 3,2 триллион сўмлик 14 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу шунчаки рақамлар бўлиб қўрингани билан унинг замирида тараққиёт, янгиликка интилиш йўлидаги маънавий меҳнат ётибди. Энг муҳими, бундан барча бирдек манфаат кўради.

Зеро, давлатимиз раҳбари “Кластер ва манфаатдорлик — Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигининг келажаги. Илм-фан ва инновацияларни жорий этмай туриб, бу соҳани рақобатбардош қилиб бўлмайди”, деб бежиз таъкидламаган.

Бинобарин, бундан кейин кластернинг аҳоли даромадларини ошириш, ишчи ўринларини яратиш, иқтисодиёт, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдаги аҳамияти ортиб бораверади, асло қамаймайди.

“КЎНГУЛ МАХЗАНИНИНГ КАЛИДИН СЎЗ БИЛ”



Бошланиши 1-бетда

— Сухбатимиз аввалида ўтган 2020 йилда ўзбек тилига бўлган эътиборнинг кучайгани бевосита Алишер Навоий даҳосига бўлган эҳтиром билан ҳам чамбарчас bogʻliq эканини таъкидласак, тўғрироқ бўларди. Она тилимизнинг қадрланиши бутун умри давомида туркий тилининг ўзга тиллардан асло кам эмаслигини ўз асарлари билан исботлаган буюк бобоимизнинг руҳини шод қилганига ишончимиз комил. Алишер Навоий тилини англаш ва ушбу тилни замондошларимиз руҳиятига, қалбига синдириш борасида қандай ишлар қилиниши керак, деб ўйлайсиз? Телефонга, компьютерга боғланиб қолган авлодга мумтоз адабиётни синдиришда ёрдам берадиган электрон лугатлар тайёрлаш жараёнида анчагина ортда қолиб кетмадик-миккин...

— Албатта, тилимизга бўлган ҳар қандай эътибор улуг Алишер Навоийнинг беназир даҳосига ва бу даҳони дунёга келтирган халқ ва миллатга бўлган адоқсиз эҳтиром билан чамбарчас bogʻliq. Зотан, бу муътабар ва муҳтарам зот халқимизнинг, миллатимизнинг бетакор тилсоголга айланиб бўлган, унинг соҳир қатларига миллий ва умумбашарий ғоялар бадийят афсунлари билан жойланган дурдона асарлари неча асрлардан бадий-адабий ва илмий тафаккур ҳазинасининг тўрда кўр тўкиб турганига шохидлик қилувчи ғояларнинг саногий бехисоб. Бу ўринда яна қайд этмоқ ҳузурлик, мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш ва унинг давлат тили сифатидаги муҳташам макomini мунтазамлаштириш тарихида 2019 йил 21 октябрдан тамоман янги ва суръатли босқич бошланди. Давлатимиз раҳбари ўзбек тилига давлат тили макomi берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган тарихий нутқида ва шу кунги имзолаган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маънеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида бу борада қилиниши лозим бўлган ишларнинг янгича тарҳини чизиб берди. Утган қисқа бир фурсатда қилинган ишлар ва уларнинг ўттиз йилга татийдиган нақд натижалари бутун барчамизнинг кўзимиз ўнгидида...

Мазкур фармонда 21 октябрь санасини Ўзбек тили байрами кунини, деб эълон қилиш тўғрисидаги тақлиф маъқулланган эди ва шунга мувофиқ тегишли қонун қабул қилинди. Ана шу байрамнинг илк нишонланиши арафасида, 2020 йилнинг 19 октябрыда Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори имзоланди. Унда мамлакатимизда ҳар жиҳатдан беназир бобоимизнинг ўлмас меросини кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилган қўлпамли ишлар, шунингдек, сиз айтганган “Алишер Навоий тилини англаш ва ушбу тилни замондошларимиз руҳиятига, қалбига синдириш борасида қандай ишлар қилиниши керак”лиги батафсил қайд этилган. Шу қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурида Алишер Навоий асарлари, навоийшунослик фани, Навоийни англашга хизмат қиладиган манбаларнинг электрон платформасини яратиш ҳам кўзда тутилган.

— Президентимизнинг маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқиди билдирилган ҳар бир мулоҳаза тилимиз қадри ҳақида жон қуйдиргувчи инсонларнинг ташна қалбига ўзгача руҳ бағишлади. Давлатимиз раҳбарининг бизда маънавий тарбия методикаси мавжуд эмаслиги борасидаги фикрлари сиз каби миллатимиз ойдилларини тавишшига солгани табиий. Ушбу методикани шакллантиришда Алишер Навоий асарларининг ўрни қай даражада муҳим деб ҳисоблайсиз?

— Жорий йилнинг 19 январидида видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари асосий фикрини бениҳоя магзи тўқ ва мантиғи бут ташбеҳ билан ифода этди, яъни: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятидир”. Ана таъкидландики: “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз.

Ҳусайн Бойқаро таъбири билан айтганда, сўз мулкининг соҳибқиронига айланди. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин МАҲМУДОВ билан суҳбатимизда ҳам мутафаккир томонидан эъзозланган ўзбек адабий тилининг ўтмиши ва бугуни орасидаги тафовутлар ҳамда узилмас нурли ришталар борасида мулоҳаза юритдик.

Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”. Чўн ва сўнғ ҳақиқат шуки, тананинг ҳаракатга келмоғи учун жон ва руҳ зарур, ҳаракатсиз тананинг эса қиммати йўқ, унинг семиз ёки ориқ, узун ёки қалта экани аҳамиятсиз, унга жон ва руҳ қиммату аҳамият бахш этади. Демакки, жамиятнинг қимлиги иқтисодиёт ва маънавиятнинг мувозанати билан расо бўлади. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишида ўзбек тилининг давлат тили макomini қучайтириш, юртимизда ва хорижда уни ўрганиш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди, тегишли кўрсатмаларни берди.

Маънавият олами — бениҳоя ҳудудсиз, сирли-синаотли, мураккаб олам. Унга болаларимиз олиб кириш, уларнинг бу оламдан тўқис баҳрамандликларини таъминлаш, бу олам тушуңчаларини уларнинг онғу шуурида муқимлашувни йўлбўйи ишларни тизимлаштириш, бир сўз билан айтганда, маънавий тарбия методикасини яратиш ғоят долзарб масала, бунда зиёлиларнинг ҳамкорлиги бениҳоя муҳим. Президентимизнинг Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини ташкил этиш тўғрисидаги кўрсатмаси алоҳида диққатга сазовор. Албатта, ушбу муассаса мазкур ишларнинг методологияси ва методикасини ишлаб чиқишда бу борадаги асосий тамойилларни белгилашда алоҳида ўрин тутди. Шубҳасизки, маънавий тарбия методикасини шакллантиришда Алишер Навоий ва бошқа улуг аждодларимиз асарлари битмас-туганмас манба, уларсиз маънавий-маърифий тарбияни, кўнгли ва ақл, тахайюл ва тафаккур тарбиясини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Улуг бобоимизнинг бадий беназир сўз ганжисинида акс этган миллий ва умуминсоний ғоялар бутун олам аҳлининг маънавият дунёсига нур бериб тургани бор гап.

— Алишер Навоийнинг бундай мисралари бор:

“Деди: Ҳар неники қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла қилмиш одамизод”

Бугунги кунда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам, ота-оналар ҳам ана тили таълими деганда тилшунослик қоидаларини ёдлаш ва уларга доир машқ ва топшириқларни бажаришдан бошқа нарсани тасаввур қила олмайдиган бўлиб қолди. Биринчи ўринда турши керак бўлган озғани ва ёзма нутқ бўйича саводхонлик, нутқ ва мулоқот маданияти, бой сўз захираси, нотийлик энг охириги ўринларга тушиб кетди. Биз мактабда ўқиган чоғимизда ана тили ва адабиёт учун алоҳида-алоҳида лугат дафтар тутилган. Нафақат хориж тилларини ўрганишда, балки ўз ана тилимизни мукаммал билишимизда ҳам лугат дафтар тутиш жуда зарур эканини унутиб қўқанимизга анча бўлди. Ҳозирги ёшлар нутқидиға муаммолар ҳам бевосита ана шу бепарволик билан bogʻliq эсмизмик...

— Саволингизнинг биринчи қисмидаги фикрга унчалик қўшилмасликка изн беринг. Бугун мактаб дарсқилларининг ақсарияти янгиланган, уларда “қоидаларни ёдлаш”, “машқ ва топшириқларни бажариш” мақсад қилинмаган, озғани ва ёзма нутқ саводхонлиги, нутқ маданияти, сўз захираси масалаларига етарлича эътибор қаратилган. Фақат бу жараёнда ўқитувчининг қанчалар фидойи экани муҳим аҳамият касб этади. Тамоман янгиланган ва 2020 йилда нашр қилинган 5-синф “Она тили” дарслигини кўрсангиз, бунга амин бўласиз. Ёки 10-синф “Она тили” дарслигида (2017) услубият масалалари, 11-синф “Она тили” дарслигида (2018) эса айнан нутқ маданияти масалалари баён қилинган. Лугат дафтар ҳақидаги фикрларингиз маъқул, аммо уни ақли-хуши жойида ўқитувчилар бутун ўзлари жорий қилганлар. Сўз билан ҳузурланадиган, зийрак ўқувнига ўз завқини юктира оладиган журналистлар ва зиёлилар маҳоратларининг тилибдида ҳам ўша мактаблардан эканини унутиб бўлмайди...



— Адабиёт — сўз санъати. Унда бир сўз ўзининг кўплаб бадий синоатларини намoён этмоғи асосий талаблардандир. Алишер Навоий асарлари бундай талаблар тамоман адо этилган юксак бадий дурдоналардир. Мутафаккир бобоимизнинг қайси асарига кўпроқ мурожаат қиласиз? Шу ўринда сизни ҳар гал ҳайратга соладиган бадий синоатлар ҳақида айтиб ўтсангиз...

— Алишер Навоийнинг ҳар бир мисрасида бадийят кўпайиб боради, сўз маънолари силсиласининг бетакор замзамалари жилва қилади, мазмундаги мантқ теранлиги ва бундаги ифоданинг қутилмаганлиги, оҳорлилиги буй кўрсатади. Улуг шоирнинг ҳар бир асари, каттадир-кичикдир, муҳташам сўз ва тафаккур муъжизасидир. У “Муҳокамат ул-лугатайн”да “Сўз гавҳаредурки, рутбасининг Шарҳидадур аҳли нутқ оқиз”, деб ёзади. “Назм ул-жавоҳир”да эса бундай тўртлик бор:

Сўздури, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздури, берур жонга хабар жонондин,
Инсонни сўз айлаб жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Улуг мутафаккир беҳад нозик бадийят ва мулқлақ ҳаққоният билан айтганидек, сўз, яъниқ тил инсониятни ҳайвонот дунёсидан айирган, уни тамаддун аршига кўтарган шарафли неъмат, гавҳардир. Тилни ана шундай энг олий неъмат деб билган сўз мулкининг султони Алишер Навоий бутун улкан ижоди ва мунтазам фаолияти билан ўзбек адабий тилининг расо мезонларини белгиллаб берган ва бойитган. Бутун умрини даҳо сўзи бобоимиз меросининг дақиқ тадқиқига бахшида этган атоқли тилшунос, академик Алимбек Рустамов Алишер Навоийнинг бу борадаги хизматларини “Навоийнинг бадий маҳорати” китобида (1979) жуда яхши тавсифлаган. Унинг кўрсатишча, Навоий тилдан тўлиқ ҳамда аниқ фойдаланибгича қолмай, уни ҳар томонлама бойитди ва жуда юксак даражага кўтарди. У ўзбек адабий тилини қайси манбалар ҳисобига бойитди? Навоий энг қўл фойдаланган ва энг бой манба туркий лажжалар бўлди. Иккинчи манба илмий рисоалар ва ўша давр зиёлиларининг озғани нутқи. Навоий асарларида увардиган араб ва форс элементлари Навоий давридаги зиёлилар тилида мавжуд бўлган, деб таҳмин қилишга тўғри келади. Чўнки озғани тилда ишлатилмаслиги аниқ бўлган ўзга тил элементлари Навоий тилида ҳам учрамайди. А.Рустамов шоирнинг иккинчи хизмати сифатида бор сўзлар ва қўшимчалар асосида ўзи янги сўзлар яратганини кўрсатади. Адабий тилда ўзгача ҳам ишлатилган сўзларни янги маънолар билан бойитгани шоирнинг учинчи хизмати. Ўзбек адабий тилини грамматик жиҳатдан бойитганилиги улуг шоирнинг тўртинчи хизматидир. Тилшунос бу борадаги фикрларини, “Навоийнинг мана шу хизматлари тўғрисида ўзбек адабий тилининг ифода воситалари қўлайди ва қучайди, эстетик имкониятлари бениҳоя даражага етди, адабий ва илмий қудрати ошди”, тарзида яқунлаган.

— Улуг мутафаккирнинг тил ва тилшунослик борасидаги яна қандай хизматларини тилга олган бўлардингиз?

— Чинакам сўз синчиси Алишер Навоийнинг сўз ва уткир нутқ, тил ва жамият борасидаги фикрлари алоҳида диққатга молиқдир. Сўз даҳосига даҳо сўзи сифатида сўнгсиз эҳтиром ва инжа сезги билан муносабатда бўлган адиб

ўз асарларининг ақсариятида, хусусан, муҳташам “Ҳамса”сининг барча достонлари (алоҳида-алоҳида боблар)да, “Маҳбул ул-қулуб”, “Муҳокамат ул-лугатайн”, “Назм ул-жавоҳир” ва бошқа кўплаб асарларида сўзининг буюк қудрати ва нутқ маҳоратининг ҳосиятига оид бетакорор фикрларни баён қилган.

Алишер Навоийнинг лингвистик концепцияси тўлиқ ва батафсил баён этилган асар “Муҳокамат ул-лугатайн”дир. Ушбу концепция Навоий ўз даврининг энг илғор олимларидан, донишмандларидан бири бўлганини кўрсатади. Хусусан, унинг тилга, тилшуносликка оид қарашларида бу ҳол яқол намoён бўлади. Улуг адибнинг бу фикрлари ва қарашлари сўз ва тилни ҳам адабиётшунослик (бадий сўз, бадий тил), ҳам тилшунослик аспектларида ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Туркий — ўзбек тилининг имкониятлари ва бойлигини кўрсатиб бериш, исботлашни ўз олдида мақсад қилиб қўяр экан, Навоий бунда энг самарали усулни — қиёсий тадқиқотни танлайди ва туркий тилни бутунлай бошқа тил оиласига мансуб бўлган форсий билан қиёспайди. Таъкидлаш лозимки, Навоий бу ўринда тилининг барча асосий сатҳлари (лексика, семантика, морфология, синтаксис, стилстика)ни қамраб олган ҳолда тўлақонли қиёсий таҳлилни амалга оширган. Шу маънода улуг адибни дунё тилшунослигида қиёсий методнинг (ёки қиёсий тилшуносликнинг) илк асосчиларидан дейиш мумкин. Аммо қили-ҳануз қиёсий ёки қиёсий-тарихий метод ва шу методга асосланган тилшуносликнинг пайдо бўлишини фақат Европача болғайлар.

Замонавий дунё тилшунослигида тил ва нутқни фарқлаш зарурияти ва эҳтиёжнингнг ангиллиниши ҳам Европача нисбат берадилар. Тил ва нутқ бир-бири билан чамбарчас bogʻliq, аммо бир-биридан фарқлиниши керак бўлган ҳодисалар экани, тилсиз нутқнинг, нутқсиз тилининг мавжуд бўлолмаслиги ҳақидаги қонуниятнинг асосланиши, энг аввало, швейцариялик машҳур тилшунос Фердинанд де Соссюр номи билан bogʻliq деб қаралади. Ҳолбуки, Алишер Навоий “Маҳбул ул-қулуб” асарида сўзининг шарафли сифатлари ҳақида сўзлаш асосида тил ва нутқ муносабати хусусида қўйидаги аңзарий фикрни баён қилган: “Тил мунча шараф билла нутқнинг олоти (қурол)дур ва ҳам нутқдурки, агар топилсанд зоҳир бўлса, тилининг офатидур”. Демакки, тил нутқ учун қурол, бу қуролдан фойдаланиб нутқ тузилади, топилсанди, эътиборсизлик қилинса, нутқ мақбул бўлмайди, ва бу тилининг офати бўлади. Тил ва нутқнинг бир-бири билан bogʻliqлиги, бири иккинчисига ҳамиша таъсир этишини тил қонуниятларини теран тасаввур этган мутафаккир Алишер Навоий аниқ инкишоф қилган. Улуг бобоклопанимизнинг ҳам бадий, ҳам илмий тафаккур бодаиға кашфиётларини мунтазам ўрганиш ва тадқиқ этиш маънавий ва ақлий дунёимизни тўлдиришга, тўйдиришга хизмат қиладиган боқий манбалардир.

Ана шундай боқий манбалардан баҳрамандлик, улардаги миллий ва умуминсоний ғояларга даҳлдорлик, айни пайтда бундан чинакам ифтихор қилиш тўғриси ҳеч кимни тарқ этмасин. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “... биз яратётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси зўлғул, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади”. Бу ғоя эса буюк мутафаккир бобоимиз Алишер Навоий иходининг байроғидир.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

“Янги Ўзбекистон” газетаси мухбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди.



Бугун маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати мазкур йўналишдаги ишларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу борада нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ғоят ноёб ҳисобланган, ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатиға киритилган қўлэмалар фондига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, шунингдек, қадимий ёзма манбалар фондига эга бўлган муассасалар фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

“ШАРҲУЛ ВИҚОЯ” — ЎЗБЕК ТИЛИДА ЁЗИЛГАН ЭНГ КАТТА ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАРДАН БИРИ



Абдуғоҳид ЎРОЗОВ,
Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
илмий ходими

Айниқса, ушбу нуфузли илмий-тадқиқот муассасалари олдида қўлэмаларни сақлаш, таъмирлаш, мавжуд фондларни бойитиб бориш, тарихий манбалар билан ишлаш учун маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларга қўлай шароитлар яратиш зарурати турибди. Шунингдек, тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чўқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш талаб этилади. Шу асосда юртдошларимиз, аввало, ёш авлодни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, ана юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни тубдан ошириш бўйича долзарб ва зифалар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ана шу вазифаларни самарали ҳал этиш мақсадида 2017 йил 24 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Буюк аждодларимиз қаламига мансуб қўлэма асарларни ўрганиб, тадқиқ ва таржима қилиш ва кенг жамоатчиликка етказиш тадқиқотчи ва илмий ходимлар зиммасидаги муҳим вазифага айланди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг манбалар ҳазинаси фондига мовароуннахрлик алломалар қаламига мансуб қўплаб асарларнинг қўлэма ва тошбосма нусхалари сақланмоқда. Жумладан, Убайдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 747/1346), қаламига мансуб бир неча асар мавжуд. Улар орасида “Шарҳул виқоя” асарининг араб ва форс тилларидаги қўлэма нусхалари ҳам бор. “Шарҳул виқоя” ҳанафий йўналишида ёзилган фикҳий китоблар орасида 61-ўринда туради. Мазкур асарга етмишдан ортқ шарҳ ёзилган. Чўнки талабалар уни ёдлаганидан сўнг мазмун-моҳиятини англаш ва тўлиқ тушуниш учун шарҳга эҳтиёж сезадилар. Фикримизча, бу асар Абу Ҳанифа маъзаби бўйича ўзбек тилида ёзилган энг катта ҳуқуқий манбалардан биридир.

Ҳозир “Шарҳул виқоя” асарининг “Таҳорат” китоби таржима қилинди ҳамда аллома Убайдуллоҳ ибн Масъуд ҳаёти ва илмий мероси тўғрисидаги тадқиқотлар билан бирга нашрга тайёрланди. “Шарҳул виқоя”нинг мазкур қўлэма нусхаси араб тили настиълик хатида ёзилган бўлиб, 1871 йилда хаттот Муллажон Муҳаммад ибн Эркабой ибн Ҳўжа Пардабой томонидан кўчирилган.

лоҳ ибн Масъуд ҳаёти ва илмий мероси тадқиқи билан бирга нашрга тайёрланди. “Шарҳул виқоя”нинг мазкур қўлэма нусхаси араб тили настиълик хатида ёзилган бўлиб, 1871 йилда хаттот Муллажон Муҳаммад ибн Эркабой ибн Ҳўжа Пардабой томонидан кўчирилган.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд “Шарҳул виқоя”дан ташқари, Абу Ҳанифа мазҳабининг асосларига таяниб, “усулул-фикҳ”, “фурӯул-фикҳ” соҳасида ҳам турли асарларга шарҳлар ёзган. Аллома ҳақида маълумот берган тадқиқотчилар “фақиҳун ҳанафийун” (ҳанафий фикҳининг олими ё ҳанафий мазҳабидаги ҳуқуқшунос олим) иборасини унинг исми билан ёзиб келганлар. Айниқса, мазкур асарнинг қисқартмаси сифатида танилган “Муҳтасарул-виқоя”нинг турли тилларда ёзилган шарҳ ва таржималари Абу Ҳанифа мазҳаби асосида юзага қўлган Мовароуннахр ҳуқуқшунослиги ривожига катта ҳисса қўшди. “Ҳидоя”нинг мағзини ўз ичига олгани учун асрлар давомида у “Кичик Ҳидоя” номи билан машҳур бўлиб келди.

Содруш шарифа Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг барча асарлари ҳанафий мазҳабининг ишончли манбаларидан. Ҳозирги кунда ҳам республикаимиздаги диний таълим муассасаларида унга ҳанафий фикҳини ўрганиш учун асосий манба сифатида мурожаат қилинади.

Манбаларда келтирилишча, алломанинг фикри теран ва сўзи уткир бўлгани боис, ҳар қандай олим у киши билан илмий баҳс ва мунозарга қилишга журъат эта олмаган. Ҳар бир масалага шаръий далиллар ва раддияларни керакли ўринларда дақиқ тарзда етказиб бера олган. Тошкўприлизодадан ҳикоя қилнади: “Аллома Қутбиддин Розий Содруш шарифа билан илмий мунозара қилмоқ истагида шоғирларидан бири мавлоно Муборакшоҳни у кишининг ҳузурларига юборди. Содруш шарифа у вақтда Ҳиротда эди. Муборакшоҳ алломани Ибн Синонинг “Ишорат” китобидан талабларга дарс айтиб турган ҳолида учратди. Муборакшоҳ дарс жараёнида Содруш шарифанинг китоб мусаннифи Ибн Сино ва унинг шориҳи Муҳаммад Тўсийга эргашмай, кучли ва ёрқин далиллар билан раддия бераётганини қўриб ақли пол қолади ва усто-зи Қутбиддин Розийга бундай мактуб йўллайди: “Бу киши “на-рун ваққодун”, яъни “ёндирувчи олов”дир. У киши билан муно-зара қилишнингиз сизга маломат олиб келиши мумкин. Аллома ўз фикри ва ижтимоиди ила иш қура-кан экан...” Шу билан аллома Розий шоғирдининг эътирофини қабул этиб, мақсадидан қайтди.

Миллатимизнинг етук фикҳий арбоби, Ўзидан сўнғ авлодларга муносиб мерос қолдирган Убайдуллоҳ ибн Масъуд раҳматуллоҳи алайҳ 747 ҳижрий, мулодий ҳисоб бўйича 1346 йили бу фой ҳаётдан қўз юмади. У кишининг ва ўзларидан кейинги барча авлодларининг қабрлари Бухоро вилоятининг Шеробод мавзесида жойлашган.